

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2018
октябрь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Н.ХОЛМИРЗАЕВ

Баркамол инсонни шакллантиришнинг асосий омиллари	80
С.ЮЛДАШЕВ, Ў.АҲМЕДОВА	
Жамиятни илмий бошқаришнинг баъзи масалалари	83
Н.ХАКИМОВ, А.АБДУМАЛИКОВ	
Ривожланишнинг янги босқичи шароитларида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш	86

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Қ.ЮЛЧИЕВ

Хронотоп – лирик композиция асоси (Шамшод Абдуллаев шеърлари мисолида)	89
С.ЖУРАЕВА	
Лутфий тўртликлари ҳақида баъзи мулоҳазалар	92
Э.НАСРУЛЛАЕВ	
Алишер Навоий феномени ва жадид адабиёти намояндалари	98
Р.ДАМИНОВА	
Туркий шеъриятда ғазал	102

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.ИСКАНДАРОВА, А.РАСУЛОВА

Тўсиқиззик категорияси ва тил мазмуний структураси хусусида	106
З.АЛИМОВА	
Ўзбек тилига форс-тожик тилларидан ўзлашган но- префиксли сўзлар хусусида	109

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ш.ДЖУМАНОВ

Бўлажак ўқитувчининг шахс бўлиб шаклланишида коммуникатив қобилият моҳияти	113
Л.ШУКУРОВА, В.УМАРОВА	
Ўзбекистон ҳудудида ганчкорлик санъати тарихий ривожланиш босқичларининг илмий асослари	117

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Х.ЭШЧАНОВ, А.САРИМСАҶОВ, М.БАЛТАЕВА, М.НУРМАТОВА

Полифункционал гемосорбент олиш усули.....	121
Н.ОЛИМОВА, А.МИНОЖИДИНОВ	

Корхонанинг амалий фаоллиги ва самарадорлик кўрсаткичлари ҳамда инновацияларнинг ўзига хос хусусиятлари.....

123

М.АБДУЛЛАЕВА

Ибратнинг жамиятшуносликка қўшган ҳиссаси	126
---	-----

А.КОСИМОВ

Ёзувчи Т.Мурод услубининг ўзига хослиги («Отамдан қолган далалар» романи мисолида)	129
--	-----

М.УСМОНОВА

Тилнинг пайдо бўлиш муаммосига оид қарашлар	131
---	-----

Р.АБДУЛЛАЕВА

Оламнинг лисоний манзараси	133
----------------------------------	-----

М.А.НАЗАРАЛИЕВА, М.О.ОРИПОВА

Ўқиш кўнижмасини шакллантиришдаги муҳим ва самарали стратегиялар	136
--	-----

Ш.АБДУЛЛАЕВ

Аҳил кўшничилик муносабатлари тарихий - маданий жараён сифатида	140
---	-----

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Жаҳонга танилган олим	143
------------------------------------	-----

ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография	147
---------------------------	-----

ТИЛНИНГ ПАЙДО БҮЛИШ МУАММОСИГА ОИД ҚАРАШЛАР

М.Усмонова

Аннотация

Мақолада тилнинг пайдо бўлиш муаммосига оид қарашлар ва уларнинг фалсафий, психологияк, социологияк ва филологик тушунчалар билан алоқадорлиги ҳақидаги фикрлар ёритилган.

Аннотация

В данной статье рассматриваются вопросы и взгляды происхождения языка, связанные с философскими, психологическими, социологическими и филологическими понятиями.

Annotation

The article elucidates various problems upon appearing of a language and views on their philosophical, psychological, sociological and philological relations.

Таянч сўз ва иборалар: тил, тилнинг пайдо бўлиши, тил пайдо бўлишига доир қарашлар ва оқимлар, тил тараққиёти, фалсафа.

Ключевые слова и выражения: язык, происхождение языка, взгляды и направления происхождения языка, усовершенствование языка, философия.

Keywords and expressions: language, appearing of the language, different views and trends on a birth of a language, development of a language, philosophy.

Тилнинг пайдо бўлиши ғоят мураккаб жараён бўлиб, бу муаммога ёндашишлар ҳам турли-тумандир. Бу жихатдан ҳам филологик, ҳам фалсафий, ҳам бадиий-эстетик, ҳам социологик ва психологик ёндашувларнинг ҳаммаси бирйўла татбиқ этилиб муносабат билдирилган. Жаваҳарлал Неруннинг қуидаги фикри яна ҳам қизиқарлидир:

“Тил грамматика ва филологияга қараганда ўта кенг ва ўлчамсиздир. Бу, халқ руҳи ва маданиятининг поэтик васиятномаси, мавжуд фикр ва образлар таъсири остида туғилган онг ва қиёфаларнинг жонли тимсолидир. Сўзлар, кўпинча, ўзларининг эски шаклларини сақлаган ҳолда, маъноси асрлардан-асрларга ўзгариб боради, эски ғоялар янги ғояга айланади. Қадимий сўз ёки қадимий жумла мазмунини, айниқса, руҳини англаб олиш қийин. Агар биз бу кўхна мазмуннинг ичига кирмоқчи бўлсак, ўтмишда шу тилда гаплашган одамлар фикрини англамоқчи бўлсак, унда маълум бир романтик ва поэтик ёндашув зарур бўлади. Тил қанчалик бой ва кўпқиррали бўлса, бу қийинчилик ҳам шунчалик ортиқ бўлади”[1].

Айни даврда мавжуд бўлиб, кундалик истеъмолда фаол қўпланиладиган жонли тилнинг ўтмишдаги моҳияти, мазмуни ва руҳий дунёсини англаш, ҳис қилиш шунчалик мураккаб экан, умуман, тилнинг қандай пайдо бўлганлигини

аниқлаш қанчалик мураккаб муаммо эканлигини тушуниш унчалик қийин эмас. Тилнинг пайдо бўлиши илмий дунёда фалсафий, психологик, социологик ва филологик тушунчалар билан алоқадор ҳолда ёритилади. Бу эса турли қарашлар ва оқимларнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Тилнинг пайдо бўлиш муаммоларининг ҳал қилинишида қадимги давр юонон файласуфлари – стоикчилар, эпикурчилар, француз ва немис маърифатпарвар файласуфлари Ж.Ж.Руссо ва И.Гердер, шунингдек, Г.Лейбниц, В.Гумбольдт, А.Шлейхер, А.А.Потебня, Д.Н.Кудрявский каби буюк тилшунослар томонидан қўллаб-куватланган биологик назариялар – товушга тақлид ва ундов назариялари “гапириш механизмининг пайдо бўлишини, асосан, психофизиологик планда ўрганишни бош масала қилиб қўядилар”[2].

Бундай қараш дунё этнографлари томонидан ҳам эътироф этилади. Машҳур этнограф Э.Б.Тайлор бу масала бўйича қуидаги фикрни билдирган: “Ҳайвонлар қичқириқларига тақлид қилиб, ўзларини қувонтирувчи инглиз болалари, ўзларининг севимли ўйинларини арра ёки рандадан чиқаётган, милтиқ ёки бошқа қуроллар отишмаларидан чиқаётган товушларга, бошқа турдаги турли асбобларга хос товушларга тақлид қилувчи янги

М.Усмонова – ФардУ ўзбек тилшуносиги кафедраси ўқитувчisi.

зеландиялар тилнинг пайдо бўлишида муҳим аҳамиятга эга бўлган тақлидга бир хил йўл билан келадилар” [3].

Бу хусусият ҳозирги замон ривожланган тилларида муҳрланиб, ҳамон яшаб келаётгани ҳақида Ю.В.Рождественский шундай фикр билдиради: “Инсон тили ҳам худди ҳайвонлар “тили”дагига ўхшаш сигналлик (сигнал бериш) хусусиятларига эга. Бизга ёт бўлган тилда гапиравчи одамнинг беихтиёр бақириғи, ҳузурланиш, оғриқ ёки ғазаб туфайли пайдо бўлган хитоб-ҳайқириғини ҳам тушунамиз. Буларнинг ҳаммаси тилнинг инсоннинг ибтидоий ҳолатидан мерос бўлиб қолган ижтимоийликкача бўлган хусусиятдир [4.9-10,12-13].

Бундан маълум бўладики, ижтимоий ҳодиса сифатида тил системасининг структурал элементи, деб қараладиган товуш дастлаб ҳис-туйғу, инсоннинг турли эмоционал ҳолатларини ифодаловчи восита бўлиб, нисбатан торроқ функция бажарган. Бу нарса ҳозирги замон ривожланган тилларда тўла сақланган. Тил айни шу жиҳати билан инсон руҳиятидаги барча психологияк жараёнларда иштирок этади, ана шу жараёнларни юзага чиқариш воситаси сифатида функция бажаради –rudiment ўчган эмас, аксинча, янада бойиган ва фаоллашган.

Адабиётлар:

1. Дж.Неру. Открытие Индии. -М.: Изд. политической литературы, 1989.
2. Кодухов В.И. Введение в языкознание. М.: “Просвещение”, 1979. Бу ҳақда яна: Реформатский А.А. Введение в языкоковедение. М.: “Просвещение”, 1967; Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. -М.: “Просвещение”, 1975.
3. Тайлер Э.Б. Первобытная культура. - М.: Изд. политической литературы, 1989.
4. Тимофеев Л.И. Слова в стихе. -М.: “Сов. писатель”, 1982.
5. Верещагин Е.М., Костоморов В.Г.Лингвострановедческая теория языка. -М.:“Русский язык”, 1980.
6. Мюллер М.Сравнительная мифология. В.кн: “Хрестоматия по теории литературы”. -М.: “Просвещение”, 1982.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)

Юқоридаги қараш ва назариялар бўйича гапириш механизми, шу механизмни вужудга келтирувчи ва ташкил этувчилари сифатида психологик ва физиологик омилларга асосий эътибор қаратилган. Физиологик омил ҳаракатланувчи аппаратни созлайди, шакллантиради, у товушни бир хилликдан чиқаради, унинг социал функция бажариши учун хизмат қиласи, психологик омил эса, ана шу аппаратни ҳаракатга келтиради – ҳаракатлантирувчи омил. Ҳар иккиси биргаликда тилни “ишлаб чиқаради”.

Тилшунослик тарихида шундай даврлар ҳам бўлганки, тилнинг бош вазифаси ҳисоблаб келинган коммуникатив функция иккинчи планга сурилиб, унинг моҳияти бу вазифадан келиб чиқиб қаралмаган. “Энг янги тилшуносликнинг асосчиларидан бири В.Гумбольдт учун тил “жамиятдаги одамлар муносабатининг ташқи воситаси” сифатида эмас, балки дунёни билиш воситаси, “улар (кишилар)нинг ақл кучлари ва дунёқарашлари вужудга келиш тараққиётининг “ воситаси сифатида пайдо бўлади [5].

Кўринадики, тилда ақл ва дунёқарашни вужудга келтирувчи, шакллантирувчи таассуротлар акс этади. Шу маънода “тил инсоннинг турли сезгилари орқали идрок қилинган таассуротларининг онгли равишда товушлар орқали ифодаланишидир” [6].